нашиб, турли тадбирларда иштирок этмоқдалар.

Фарғоналик талаба-ёшлар билан суҳбатлашиб, уларнинг орзу-ниятлари билан танишиб шундай хуло-

— Фарғона давлат университетидаги таълимнинг кўп жиҳатлари менга маъқул келди. Аввало, профессор-ўқитувчилар ҳар бир дарсни фидойилик, жонкуярлик билан

Зулфия номидаги Давлат мукофотининг 2018 йилдаги фарғоналик совриндорлари – республика ихтисослаштирилган музика академик лицейининг 10-синф ўқувчиси Се-

*муваффақиятлар тилаймиз.*

**А.ТУРСУНОВ,**
**«Фарғона таълими хабарлари» мухбири**

# ТАДБИРКОРЛИКНИ КЕНГАЙТИРИШ ЙЎЛИДА

**Фарғона давлат университетининг ижтимоий-иқтисодий факультети профессор-ўқитувчилари Европа Иттифоқининг Эразмус+ дастури доирасида "MAGNET – Университетлар Ўзбекистонда ўрта ёш аҳолини ўқитиш ва касбий тайёрлаш марказларининг асосий ҳамкори" халқаро лойиҳасида иштирок этиб келмоқда.**

Ушбу лойиҳа Лейпциг Амалий фанлар университети (Германия) томонидан молиялаштирилган бўлиб, унда ГУАРДА политехника институти (Португалия), Латвия маданият коллежи ҳамда Ўзбекистондаги Фарғона давлат университети, Қарши давлат университети, Нукус давлат педагогика институти, Андижон қишлоқ хўжалиги институти профессор-ўқитувчилари қатнашмоқдалар.

Лойиҳанинг асосий мақсади Ўзбекистонда ишсиз ўрта ёш аҳолини қўшимча касбга йўналтириш орқали уларда тадбиркорлик кўникмаларини шакллантириш, ишсизликни камайтириш, уларнинг реал даромадларини кўпайтириш ва турмуш даражаларини яхшилашга ҳисса қўшишдан иборат. Ўтган даврда Фарғона давлат университетида лойиҳа доирасида қатор ишлар амалга оширилди. Жумладан, "Тадбиркорликни ташкил этиш ва бошқариш", "Қишлоқ хўжалиги" йўналишлари бўйича ўқув курслари фаолияти йўлга қўйилиб, тингловчиларга 60 соатлик дастур асосида бухгалтерия ҳисоби, соддалаштирилган солиқ тизими, иш юритиш, менежмент ва маркетинг, компьютер саводхонлиги, хорижий давлатларда тадбиркорлик, суғурта иши, қишлоқ хўжалик экинларини етиштириш ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш каби фанлар замонавий педагогик технологиялар асосида олиб борилмоқда. Шу кунгача ўқув курсларини 70 дан зиёд тингловчилар тамомлаб, сертификатга эга бўлишди.

Қишлоқ хўжалиги йўналиши тингловчиларига қишлоқ хўжалигида тадбиркорлик субъектларини ташкил этиш, иссиқхоналар фаолиятини йўлга қўйиш, меваларни қуритиш ва қайта тайёрлаш орқали даромад олиш кўникмаларини шакллантириш назарда тутилган.

Ишсиз ўрта ёш аҳолини қўшимча касбга ва тадбиркорликка йўналтириш орқали ишсизликни камайтиришга ҳисса қўшиш лойиҳа иштирокчиларининг асосий вазифаси бўлиб, бу борадаги амалий ишлар давом этмоқда.

**Д.ЧИЛМАТОВА,**
**иқтисодиёт назарияси кафедраси ўқитувчиси, лойиҳа ижрочиси.**

▼ **Адабий сана**

**Факультетлараро чет тиллари кафедраси педагогика факультетининг тасвирий санъат ва муҳандислик графикаси йўналиши талабалари иштирокида буюк немис шоири Ҳайнрих Ҳайне таваллудининг 220 йиллигига бағишланган тадбир ташкил этди. Унда кафедра профессор-ўқитувчилари, талабалар қатнашдилар.**

# УЧ ТИЛДА ЯНГРАГАН ШЕЪРЛАР

Анжуман аввалида бошловчилар – Б.Баходиров, М.Собировалар шоирнинг ҳаёти ва ижоди тўғрисида сўзладилар. Шундан сўнг талабалар шоирнинг "Қарағай", "Лорелей", "Гуллар ичра сайр қиламан", "Эски йўл ёқалаб бораман", "Онамга", "Нилуфар", "Баҳор туни" шеърларини немис, рус, ўзбек тилларида ёддан ўқишди.

Шоир шеърлари асосида чизилган расмлар намойиши барчада бирдек қизиқиш уйғотди. Айниқса, "Лорелей" шеърига ишланган расмлар, Ҳайне, Амалия, Матильдаларнинг портретлари ҳайратга солган ҳам талабалар томонидан маҳорат билан яратилган эди.

Тадбирнинг иккинчи қисмида факультетлараро чет тиллар кафедраси доценти, педагогика фанлари номзоди А.Акбаров Ҳ.Ҳайненинг "Қарағай" шеъри таржимаси ҳақида маъруза қилди. Таъкидланишича, шеър саккиз мисрадан иборат. Бироқ у улкан маънога эга. Шеърнинг ўзбекча таржималари ичида М.Тоштемировнинг таржимаси мукаммаллиги билан ажралиб туради.

Маъруза ясасидан филология фанлари номзоди М.Қаҳҳорова, адабиётшунослик кафедраси ўқитувчиси Р.Умрзоқов, Берлин шаҳридаги Ҳумбольдт университети талабаси Х.Верониканлар сўзга чиқиб, Ҳ.Ҳайне ижодининг жаҳон адабиётидаги ўрни ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини баён этдилар.

**М. СОБИРОВА,**
**М.ҚУРБОНОВА,**
**тасвирий санъат ва муҳандислик графикаси йўналиши талабалари.**